

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН АЗИЗ ОНАЛАР,

МУНИС ОПА-СИНГИЛЛАР!



FORISH

XALQ FAROVONLIGI VA YURT OBODLIGI UCHUN

№ 6 (7478)

2026 yil 7 Mart, Shanba

XALQ DEPUTATLARI FORISH TUMAN KENGASHI  
VA TUMAN HOKIMLIGI GAZETASI

1936 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan



Forish\_tongi@inbox.uz



t.me/forishtongi

TONGI

## 8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТУМАН ҲОКИМИНИНГ БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Ассалому алайкум, азиз онахонлар!**

**Қадрли опа-сингиллар!**

Сизларни, сизлар тимсолингизда барча мўтабар онахонларимиз, опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизни баҳор ва гўзаллик байрами – 8-март – Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий табриклайман.

**Қадрли опа-сингиллар!**

Бугунги кунда туманимизда 101 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг 49 600 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Ватанимиз тараққиётида, оила ва жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеи ортиб бормоқда. Хотин-қизларимиз мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида, давлат бошқаруви ва вакиллик органлари, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, фермер, деҳқон хўжаликлари, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда самарали меҳнат қилишмоқда.

Жумладан, давлат хизматларида 24 нафар, тиббиёт соҳасида 947 нафар, таълим соҳасида 1312 нафар, тадбиркорлик соҳасида 150 нафар хотин-қизлар самарали меҳнат қилиб, Ватанимиз тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Хотин-қизларимизнинг барча соҳаларда эришадиган ютуқлари натижасида 7 нафар аёлларимиз “Мўтабар аёл” кўкрак нишони билан, 9 нафари “Ибратли оила” кўкрак нишони, 7 нафари “Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони билан, 3 нафари “Дўстлик” ордени ҳамда 1 нафари “Шўҳрат” медали би-

лан тақдирланди.

Хотин-қизларимиз Янги Ўзбекистоннинг олтин фонди, десак айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Туманимиз хотин-қизларининг спорт соҳасида эришадиган ютуқ ва натижалари ҳам салмоқли.

Жумладан, ўтган йилда Жасмина Эрхонова спортнинг ўзбек жанг санъати бўйича

3-ўринни, Гулсевар Нурқобилова спортнинг Самбо тури бўйича Ўзбекистон чемпионатида 3-ўринни, Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган жаҳон чемпионатида спортнинг белбоғли кураш тури бўйича Гулсевар Тўлкинова 1-ўринни, Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрида 46 та давлатдан 400 дан зиёд спортчилар иштирок этган Пара энгил атлетика мусобақасида булава улоқтириш бўйича Маҳлиё Акрамова фахрли 1-ўринни эгаллаб, олтин медални қўлга киритди. Маҳлиё Акрамова Париж олимпиадасида ҳам иштирок этиб, юқори натижага эришган эди.

**Азиз онахонлар, мунис опа-сингиллар!**

Мутафаккир жадид бобомиз Абдурауф Фитрат айтганидек, “Оналар – бутун башариётнинг тарбиячиларидир”.

Бугун мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Янги Ўзбекистон “Инсон қадрли устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” деган гоя асосида тараққий этмоқда.

Мана шундай эзгу ишлар орқали қанчадан-қанча хонадон-

ларга қувонч кирди, опа-сингилларимиз ҳаёт даражаси ўзгариб, руҳияти кўтарилди, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланди.

Мухтарм Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев таъкидлаганидек, “Сиз, азизларнинг оила даврасида тинч-омон, соғ-саломат, фаровон ва бахтли турмуш кечиринингиз, жамият ҳаётида фаол иштирок этишингиз учун хизмат қилишни биз ўзимиз учун нафақат асосий вазифа, балки шарафли бурч, деб биламиз. Чунки оила таянчи, жамият устуни бўлган оналаримиз, аёлларимиз ҳаётдан рози бўлса, бутун халқимиз ҳаётдан рози бўлади. Халқ рози бўлса, Яратганимиз ҳам биздан рози бўлади”.

**Ҳурматли онахонлар, қадрли опа-сингиллар!**

Бугунги ўта оғир ва мураккаб замонда биз ўз олдимишга катта вазифалар қўйганмиз. Уларни бажариш албатта осон бўлмайди. Бу йўлда биз чексиз куч ва мадад берадиган олижаноб халқимиз, мўтабар оналаримиз, азиз опа-сингилларимизга сўна-миз. Янги Ўзбекистонни барчамиз биргаликда бунёд этамиз!

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларни яна бир бор 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклайман. Тилагимиз – оилангиз, фарзандларингиз, эл-юртимиз бахтига ҳамisha соғомон бўлинг! Барчангизга оилавий хотиржамлик, хонадонларингизга тинчлик, файзу барака тилайман.

Байрам барчангизга муборак бўлсин!

Туман ҳокими

Соҳиб ИСЛАМОВ.

Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни – «Ёшлар куни»

## РАҲБАР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВЛАРИ: МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАНМОҚДА



Жорий йил 24 февраль куни мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари йигилганларни самимий қутлаб, юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшларимиз жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий куч эканини таъкидлади. Барча даражадаги раҳбарлар ёшларни тил ва касб-хунарга ўргатиш, спортга жалб этиш, гоё, лойиҳа ҳамда стартапларга қўмақ бериш, уларни ишли ва даромадли қилиш бўйича янада фаол ишлаши, бирорта йигит-қизни эътиборсиз қолдирмаслиги зарурлигини қайд этди. Президентимиз ташаббуси билан ҳафтанинг ҳар пайшанбаси «Ёшлар куни» деб эълон қилди.

Туман ҳокими Соҳиб Исламов давлат хавфсизлик хизмати туман бўлими раҳбарияти билан биргаликда «Ёшлар куни» муносабати билан туманнинг энг чекка «Гараша» маҳалласида бўлиб, маҳалла ёшлари билан учрашиб, уларнинг муаммолари, орзу интилишлари, келажакдаги режаларини ўрганди.

Учрашув аввалида туман ҳо-

кими Соҳиб Исламов сўзга чиқиб, юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни илм олиши, касб-хунарга эгаллаши, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка йўналтириш борасида олиб бориладиган ишларга тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг бирма-бир ёшлар муаммолари, уларни қизиқтирадиган масалалар, орзу интилишлари тингланди. Очиқ ва самимий мулоқот тарзида кечган учрашувда ёшлар ўз фикр-мулоҳазалари, таклифлари ва муаммоларини ўртага ташлашди. Ёшлар томонидан билдирилган муаммоларнинг бир қисми учрашувда иштирок этган тегишли ташкилотлар раҳбарлари томонидан ҳал этилди.

Шунингдек, туман ҳокими тумандаги Ойбек номи маҳаллада жойлашган Фориш политехникумида ҳам бўлиб, бу ердаги таълим, ёшларни касб-хунарга ўқитиш борасидаги ишларни ҳам ўрганди, техникум талабалари билан мулоқотда бўлди.

Туман ҳокими ва тумандаги барча раҳбарларнинг ёшлар билан учрашувлари давом этапти.

Рашид КАРИМОВ.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

**Халқ депутатлари туман Кенгашининг ўн тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси Ботир Каримов бошқариб борди.**

Сессияда Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, тумандаги корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда дастлаб Халқ депутатлари Фориш туман Кенгашига 20-Оқтепа сайлов округидан бўшаб қолган ўринга депутатлик сайловининг яқунлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда туман сайлов комиссияси раиси ўринбосари Азиза Худойбердиева ахборот берди. Туман ҳокими Соҳиб Исламов 20-Оқтепа сайлов округидан депутат этиб сайланганини маълум қилди.

Сессияда туман ҳокими Соҳиб Исламов сўзга чиқиб, туманни 2026 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ишларга тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг сессияда туман прокурори Улугбек Шоназаров ҳудудда криминоген вазиятни яхшилаш, жиноятларнинг барвақт олдини олиш, жиноят содир этилиши омилларини бартараф этиш ва коррупцияни олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Сессияда туман кишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг 2026 йил 28 январдаги 05-09-сонли хатида кўрсатиб ўтилган масалани ўрганиш натижалари тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Бу ҳақда Халқ депутатлари туман Кенгаши Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссия раиси депутат Асад Эргашев ахбороти эшитилди.



Сессияда туман маҳаллий бюджетининг 2026-йил қўшимча манбалари маблағларини харажатларга йўналтириш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Сессияда кун тартибидagi муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рашид КАРИМОВ.

## ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, АВВАЛО, АЗИЗУ

Эъзоз ва эҳтиром

**Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш мамлакатимиздаги ислохотларнинг бош мақсади. Жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани эса хотин-қизларга бўлган муносабат ва ғамхўрлик билан белгиланади.**

**Шу боис, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ўқиши, ишлаши, саломатлиги, оиласи учун шароитлар яратиш масаласи тараққиёт йўлини кўзлаган ҳар бир давлат сиёсатида устувор ўрин эгаллайди.**

## АЁЛИ БАХТЛИ ЮРТНИНГ ЙЎЛИ ЁРУҒ, ИСТИҚБОЛИ ЧОРАҒОН

Хусусан, сўнги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тилга олса арзиғулик ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу жаҳадаги ишлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Жумладан, хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳаларида фаоллигини ошириш бўйича 2022 – 2026 йиллардаги чора-тадбирларни ўз ичига олган миллий дастур қабул қилинди. Маҳалла ва хонадонларга кириб борадиган вертикал тизим яратилди.

Мухтарам Президентимиз бу йўналишдаги ислохотларнинг мақсад-моҳияти ҳақида тўхталар экан, **“Хотин-қизлар ва оила масаласи – бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажакимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир.**

**Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фаритаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўнта яхшилик бўлиб қайтади”,** дея таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, аёл бахтли бўлса, оила ва жамиятдаги муҳит барқарор бўлади. Барқарорлик бор жойда эса улкан марраларни кўзлаб юксакка интилиш мумкин. Шу мақсадда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга кўмак бериш, оилавий шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаёпти. Маҳаллаларимиздаги хотин-қизлар фаоллари томонидан “хонадонбай”, “фуқаробай” ёндашув асосида суҳбатлар ташкил этилиб, 49 мингдан зиёд хотин-қизлар маълумотлари янгиланди.

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича изчил ишлар олиб борилаёпти. 2025 йилда “Аёллар дафтари”нинг 6-босқичига 3145 нафар хотин-қизлар кирити-

либ, уларнинг барчасига ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар рўйхатида 2162 нафар хотин-қизлар киритилиб, уларнинг 1547 нафари доимий ишга жойлаштирилди, 185 нафари касб-ҳунарга ўқитилди, оилавий тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 430 нафар хотин-қизлар ўзини ўзи банд қилишга йўналтирилди.

Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган хотин-қизлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг 53 нафарига тижорат банклари томонидан 770 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар олиб беришда кўмаклашилди.

Боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд 336 нафар хотин-қизларга “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағи ҳисобидан 252 миллион сўмдан зиёд, қарамоғида ногирон фарзанди бўлган 225 нафар аёлларга 168 миллион сўмдан зиёд, I ва II-гурӯх ногиронлиги бўлган 328 нафар хотин-қизларга 245 миллион сўмдан зиёд бир марталик ёрдамлар кўрсатилди. Шундан 18 нафарининг уй-жойлари таъмирлаб берилди. Айни

кунда туманда “Аёллар дафтари”нинг 7-босқичи шакллантирилмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларда вояга етган қизлар ҳамда илк мартаба мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган, лекин олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар оила ва хотин-қизлар бўлими тавсияси асосида олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосида талабалikka қабул қилинмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар, албатта, ёшларимиз камолотида муҳим ўрин тутмоқда. Булар опа-сингилларимизни оилада ва жамиятда фаоллигини ошириш, орзу-умидини рўёбга чиқариш, янгилашиш жараёнида ўз ўрнини эгаллашда мустаҳкам замин яратади.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш, улар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада иккита муҳим қонун – “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг

ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Президентимизнинг 2022 йил 21 сентябрдаги “Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, улар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаёпти. Давлатимиз раҳбари қарори ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги 24 та маҳалла фуқаролар йиғинларида тикувчилик, пазандачилик, қандолатчилик, ҳунармандчилик каби ишларни қўллаб-қувватлаш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилаёпти. Маҳаллаларда ишсиз хотин-қизлар агробизнесга йўналтириляпти.

Албатта, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ютуқларимиз бор. Ҳаётимизда бот-бот учраб турадиган оилавий низолар, аёллар жиноятчилиги, оиладаги зўравонлик, эрта унаштирув, қариндошлар

никоҳи каби ҳолатлар ҳам учраб турибди. Биз бу ҳолатларга барҳам бериш мақсадида туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, туман ички ишлар бўлими, туман адлия бўлими ва туман бош имом хотини, маҳаллалардаги “Оқила аёллар ҳаракати” аъзолари билан ҳамкорликда ишларни олиб бораёямиз.

Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларимизнинг барчаси мўътабар оналаримиз, мунис аёлларимиз, оқила қизларимизнинг бахту иқболини кўзлаб қилинмоқда. Зеро, аёлнинг бахт-саодатга эришиши оиланинг, жамиятнинг катта ютуғидир. Аёллари бахтли элнинг эса бугуни ва эртаси фаровон бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб барча хотин-қизларимизни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан самимий табриклайман. Уларнинг ишларига омад, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик тилайман.

**РАЪНО  
ДАУЛАНОВА,  
туман ҳокими  
ўринбосари, оила ва  
хотин-қизлар  
бўлими бошлиғи.**

## «ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ ТИМСОЛИ – АЁЛ»

**8 Март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан туманимизда байрамона тадбир юқори савияда, кўтаринки руҳда ташкил этилди. Унда туман ҳокими, корхона ва ташкилотлар вакиллари, меҳнат фахрийлари, фаол хотин-қизлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

Сўз туман ҳокими Соҳиб Исламовга берилди. Туман раҳбари ўз табрик нутқида хотин-қизларнинг жамиятимиз ҳаётидаги беқиёс ўрни, оила мустаҳкамлиги ва фарзандлар тарбиясидаги улкан хизматларини алоҳида таъкидлади.

қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар хусусида ҳам сўз юритилди. Хотин-қизлар учун яратилган

да эсдалик совгалари билан тақдирланди. Меҳнат фахрийлари ва нуроний оналарга алоҳида эҳтиром кўрсатилиб, гулдасталар тақдим этилди.

Байрам тадбири маданий дастур билан давом этди. Туман маданият бўлими



— Мухтарам ва азиз аёллар! Сизлар нафақат оила кўргони, балки жамият тараққиётининг мустаҳкам таянчисизлар. Бугунги кунда таълим, тиббиёт, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, давлат бошқаруви каби кўплаб соҳаларда самарали меҳнат қилиб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқдасизлар, — дея таъкидлади туман ҳокими.

Шунингдек, кейинги йилларда хотин-

имконият ва шароитлар, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган дастурлар алоҳида қайд этилди.

Тантанали маросим давомида турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб келаяётган, жамоат ишларида фаол иштирок этаётган бир гурӯх илғор ва ташаббускор хотин-қизлар туман ҳокимлигининг фахрий ёрликлари, ташаккурномалари ҳам-

санъаткорлари, ёш ижодкорлар ва ўқувчилар томонидан тайёрланган куй-қўшиқлар, миллий ва замонавий рақслар, сахна кўринишлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади. Она ва аёл зотини улғулоччи шеърлар, Ватан ва меҳр-муҳаббат ҳақидаги қўшиқлар залдаги барча иштирокчилар қалбидан чуқур жой олди.

Тадбир доирасида ижтимоий ҳимояга



муҳтож, кам таъминланган оилалар ва ногиронлиги бўлган хотин-қизларга ҳам моддий ёрдам ва байрамона совгалар топширилди. Бу эса жамиятимизда инсон қадрини улуғлаш, меҳр-шафқат ва соҳават анъаналари мустаҳкамланиб бораётганининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Тантана сўнгида барча иштирокчилар учун “Султон” тантаналар мажмуасида байрамона дастурхон ёзилиб, самимий суҳбат ва дил изҳорлари давом этди. Хотин-қизларга гуллар ва эсдалик совгалари улашилди.

Шу тариқа, 8-Март — Халқаро хотин-қизлар куни туманимизда юксак эҳтиром ва эътироф билан нишонланди. Ушбу байрам аёл зотининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини яна бир бор намоён этиб, уларга бўлган чексиз ҳурмат ва эъзоз ифодаси сифатида барчамиз қалбидан унутилмас таассурот қолдирди.

**Рашид КАРИМОВ.**

**МУКАРРАМА АЁЛНИ УЛУҒЛАШДАН БОШЛАНАДИ**

**Хотин-қизлар тадбиркорлиги**

Шаҳноза Шокированинг “Ширин дунё” номи остида қандолатчилик цехи ва ўзига яраша кўплаб миҳозлари бор. У туманнинг “Ўзбекистон” маҳалласида туғилган, Амир Темур номи маҳалласига келин бўлиб тушган.

Шаҳнозанинг тўрт нафар фарзанди, икки ўғил икки қизи бор. Асли касби ҳамширалик, у 20 йил давомида Хонбандида жойлашган 2-туғруқхонада ишлади. Кенжа фарзанди дунёга келгач, бола тар-

ридан келтирилади. Аниқроғи, ҳар икки кунда буюртмаларимизни такси хизмати орқали сифатли етказиб беришади.

У даромадларининг ортидан ҳовлисида ўз орзусидаги катта, ўз таъбири

**ШИРИН ОРЗУЛАР**



бияси билан машғул бўлиб, уйда ўтириб қолди. Фарзандлари оёққа тургандан сўнг ўзининг яхши кўрган хунари – қандолатпазлик билан шуғуллана бошлади.

– Ширинликлар пиширишга, пазандаликка ёшлигимдан қизиқар, ҳатто бу борада бир қанча курсларда ҳам ўқигандим, – дейди Шаҳноза. – 2005 йилларда туманнинг “Ўҳум” маҳалла фуқаролар йиғинига кишлоқ аёлларини тадбиркорликка ўқитиш бўйича Жиззах шаҳридан келган қандолатпаздан пазандалик сирларини катта қизиқиш билан ўргандим. Бу пайтда турмушга чиққан эдим. Сўнг маляк, тажрибамни янада мустаҳкамлаш мақсадида Жиззах шаҳрига бориб ўқиб келдим. Албатта, турмуш ўртоғим мени кўлаб-қувватлаб турди. Уйда турли ширинликлар пишира бошладим. 2020 йил карантин пайтида бир неча турдаги қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаб, дўконларга топширар эдим.

Бора-бора маҳсулотлари талабгир бўла бошлагач, ўз хусусий дўконини очишга бел боғлади. Икки йилдирки, ижара асосида ширинликлар дўконини юритади. Торт, пирожний, кумоқ ширинликлар пишириб, дўконларга топширади ва ўз дўконидан ҳам сотади.

– Айниқса, тўй-ҳашамлар, байрам ва туғилган кунларда харидорларимиз кўпайиб кетади, қўл-қўлга тегмай қолади, – дейди тадбиркор. – Туман аҳолисида онлайн тарзда ҳам буюртмалар қабул қиламиз. Ширинлик маҳсулотларини тайёрлаш учун хом-ашёлар Жиззах шаҳ-

билан айтганда, “бемалол айланади юриб ишлайдиган” шинам ошхона куриб олди. Эндиликда катта печь билан ҳамир қорувчи миксер олишни мўлжаллаб турибди. Бу борада кредит олишга ҳаракат қиляпти.

– Опа-сингилларимиз бир ишнинг бошини тўтиб, охиригача боришни ният қилишлари керак, – дейди у. – Шунга кўзлари етса, иш бошлашлари лозим. Агар аёлларимиз қандолатпазликка қизиқиса, бу хунарни астойдил ўрганиб олишлари зарур. Юртимизда хотин-қизларга берилган эътибордан, янги имтиёزلардан биз ҳам хурсанд бўлдик. Хотин-қизлар тадбиркорлигини кўлаб-қувватлаш бўйича кўплаб қулайликлар яратилаётир. Аёлларга қанча кўп қулайлик яратилса, уларнинг рўзғори шунча обод бўлади. Чунки ҳар бир аёл аввало оилам, бола-чақа, рўзгорим деб яшайди. Қолаверса, нима-си кўп, хотинларнинг тоғораю тўй-ҳашами, пул деб турмуш ўртоғининг бошини қотириб ўтириши кўп. Ана шундай пайтларда опа-сингилларимизнинг қўлида бироз бўлса-да, жамғарган пули бўлса, асқотади.

Ҳозирда тадбиркорнинг бир неча шогирдлари бор, келгусида шароитларни яхшилаб олса, ёш қизлар, уйда ўтирган аёлларга ҳам пиширишни ўргатиш нияти бор. Келажакда ўзининг шинамгина хусусий кафеси, қандолатчилик цехи бўлишини орзу қилади. Бу ниятларига етишиш мақсадида у тиним билмай меҳнат қилмоқда.

**Холниса  
РАҲМОНҚУЛОВА.**



**ФОРИШИМ**

Қалдирғочлар келган палласи  
Оналарнинг айтган алласи  
Чўпонларнинг кўрган қалъаси  
Ярашгайдир Сенга форишим  
Қор бўронлар писанда эмас  
Қабоҳатга кушанда эмас  
Офтоб кулар, юзин ўгирмас  
Эллар ичра элсан форишим  
Ўғил қизинг, илим шайдоси  
Тарозини ҳақдир палласи  
Нуронийлар айтган дуоси  
Кўз тегмасин сенга форишим  
Тоғларинг ҳам хатто чамандир  
Лолаларинг, ровачинг машҳур  
Зомин ҳаволари сенда уфурар  
Тиллаю, тўтиё менинг форишим  
Сен турганда, парижга ишқим  
кетмайди  
Бўйлари баланду, сенга етмайди  
Айтса гар донингни, таратиб турган  
Айдаркўл номини кимлар билмайди  
Ўтмишга айланган, номи дилларда  
Айдаркўл аслида, Ҳайдаргул экан  
Оллоҳим бешиқни паҳох яратиб  
Қизалоқни асраган экан, оқизиб  
Жамалак танирми париж қизлари  
Чавандозлар борми, қирғий кўзлари  
Тиг каби ўткирми, шоир қалами  
Тандирлари борми, ширмой ёпгани  
Писта, бодомю, борми чашмаси  
Бешбармоқни боппарми... қозоқ,  
ошниси  
Удалдай оларми сенинг шевангни  
Мардларнинг маскани ўзинг Форишим  
Парижда ўсгайми, сендаги ниҳол

**ИЖОДКОР АЁЛ**

Марҳабо Инатова 1973 йил 22 июлда тумандаги “Нурак” маҳалласининг Пастки Байрам қишлоғида туғилиб вояга етди. Айни кунда тумандаги “Учқулоч” маҳалласида истиқомат қилади. У адабиёт ва шеърят ихлосманди. Шеърят йўналишида ижод қилиб келмоқда.

Марҳабо Инатова оилада беш нафар фарзанднинг онаси, 7 нафар набираларнинг суюкли бувижониси. Қуйида унинг ижодидан намуналар ўқийсиз.

Кўчаларинг яшнатган, савлатли  
чинор  
Баланд минорлари, бўлсада бисёр  
Биргина кўшқинга етмас форишим  
Боғларинг бор, олма, узумзор  
Балиқларинг, кимларга хумор  
Интилганга, толе доим ёр  
Улуғ бўлсин ёшинг форишим  
Ўғлонларинг посбон, сен учун  
Яширмагай билақда кучин  
Тоғни талқон қилиши аниқ,  
Паҳлавонлар юрти форишим.

**МУРОДИГА  
ЕТИШСИН**

Ўзинг қўлла Худойим  
Оқибат йўқолмасин  
Инсоннинг кўз ёшлари  
Дарёдайин оқмасин  
Кўкда кўёш балқисин  
Қалбда меҳр қалқисин  
Диёнат чапон бўлсин  
Кийганлар бахтли бўлсин  
Хиёнатдан қочишлар  
Бахт қасрига етишсин  
Орзулар армон бўлмай  
Муродига етишсин.

**МУҲАББАТ**

Шу кўзларнинг қурбони бўлай  
Боқиб турса қайларга қочай  
Нигоҳига сурмадак ботай  
Мени мафтун қилган муҳаббат  
Кўрганымда кўзим қувнайди  
Ўйласам гар ҳаёл қийнайди  
Сени жондан севаман ахир  
Мисли офтоб бўлган муҳаббат  
Сен тоғдаги мисли оҳусан  
Осмонимнинг гўзал моҳисан  
Қалб тўрида авайлаб турган  
Мисли гунча бўлган муҳаббат.

**ОТА**

Ота сездим қадрингиз  
Рўзгор бошга тушганда  
Фарзандларим бўйлари  
Ўсиб кўзга тушганда  
Ҳаёлимдан ўтасиз  
Уйга меҳмон келганда  
Дастурхоннинг камини  
Ўйлаб хуноб ошганда

Кўлим қўйиб кўксимга  
Кутай келинг сизларни  
Пойингизга райҳондан  
Тўшай паёндозларни  
Тўйлар қилсам уйимнинг  
Тўри сизсиз тўлмагай  
Отажоним ўрнингиз  
Билдим ҳечким босмагай.

**СУМАЛАК**

Кўнгил меҳридан қўшиб  
Баҳор завқидан жўшиб  
Парилардек покланик  
Бу кун сумалак қилдик  
Пари келар деб кутдик  
Капкурни қўлга тутдик  
Кўзга қўнган уйқуни  
Юлдуздай кўкка сепдик  
Ойнинг ёруқ шуласи  
Сумалакда жилоси  
Гўё менман дегандек  
Сумалак кўриқчиси  
Сумалакнинг тошлари  
Овоз берар шитирлаб  
Осуда тун тинчини  
Олмай дея ўғирлаб  
Парилар кўриб турса  
Меҳрла суйиб турса  
Қувончдан яшнар диллар  
Сумалак тайёр бўлса.

**Марҳабо  
ИНАТОВА.**

**МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАСКАНИ**

Бугунги глобаллашув даврида ахборот ва билим инсон тараққиётининг энг муҳим омилга айланди. Айниқса, ёш авлодни бар-

кази фондида 30 мингдан зиёд бадиий, илмий-оммабоп, тарихий, сиёсий ва болалар адабиётлари жамланган бўлиб, китоб-

тобларни тез ва осон топиш имконини беради. Бу эса ахборотга бўлган талабни тезкор ва самарали қондиришга хизмат қилмоқда.

Ахборот-кутубхона марказида мунтазам равишда турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, китоб тақдиротлари, ижодий учрашувлар ва танловлар ташкил этиб келинмоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилган. “Энг фаол китобхон”, “Ёш китобхон”, “Бир ҳафтада – бир китоб” каби лойиҳалар ўқувчи-ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини янада оширмоқда.

Байрам саналари, улуғ аждодлар таваллуд кунлари муносабати билан ташкил этилаётган янги адабиётлар кўргазмалари, адабий кечалар ёш авлод қалбидан ватанпарварлик, миллий гурур ва маънавий қадриятларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда марказ

фаолияти доимий равишда такомиллаштирилиб, янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ахборот-кутубхона маркази нафақат китоб бериш маскани, балки ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни мустақил фикрлашга ундаш, замонавий билим ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилаётган муҳим зиё масканидир.

Хулоса қилиб айтганда, туман ахборот-кутубхона маркази туманнинг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутаяди. Туман ахборот-кутубхона маркази ҳозирги вақтда туман “Келажак маркази” биносида жойлашган бўлиб, яқин вақтларда туман марказида ҳам туман ҳокимлиги ташаббуси билан ёшларимиз учун “Янги замонавий кутубхона” биноси қурилади деган умиддамиз.

**Нодира  
АРТИКОВА,  
АКМ ахборот-  
библиография хизмат  
раҳбари.**



камол этиб тарбиялашда кутубхоналар ва ахборот марказларининг ўрни бекиёсдир. Шу маънода, хотин-қизлар меҳнат қилаётган туман ахборот-кутубхона маркази ҳам нафақат китобхонлар учун билим маскани, балки тумандаги маънавий-маърифий ҳаётнинг муҳим маркази сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Ахборот-кутубхона мар-

Ахборот-кутубхона мар-

## SO'RAGAN EDINGIZ

**SAVOL:** Pensiya tayinlash muddatlari haqida bartafsil tushuntirib bersangiz.

**JAVOB:** Boquvchisini yo'qotganlik pensiyalari pensiya olish huquqi paydo bo'lgan kundan boshlab, 6 oydan kechikmay murojaat etilsa, boquvchi vafoti kunidan boshlab tayinlanadi.

60 yoshli erkaklar va 55 yoshga to'lgan ayollarga pensiya umrbod tayinlanadi.

6 oylik muddat o'tkazib yuborilgan taqdirda murojaat etilgan kundan tayinlanadi.

**Saidraxmon UMURZAKOV, Zomin tumani adliya bo'limi bosh maslahatchisi.**

**SAVOL:** G. ismli shaxs oilada faqat otasi ishlagani va u ish joyida mehnatda mayiblanish oqibatida vafot etgani, boquvchisini yo'qotganlik pensiyasini tayinlash haqidagi ariza qaysi idoraga va qancha muddatda taqdim etishi lozimligi yuzasidan tushuntirish berishni so'radi.

**JAVOB:** Ushbu holatda pensiya tayinlash to'g'risidagi ariza to'g'ridan-to'g'ri yashash joydagi Pensiya jamg'armasi bo'limiga yoki vafot etgan boquvchining oxirgi ish joyi bo'yicha tashkilotning ma'muriyati orqali ariza beruvchining yashash joyi bo'yicha Pensiya jamg'armasi bo'limiga beriladi. Pensiya tayinlashni so'rab pensiya olish huquqi paydo bo'lgan kundan boshlab istalgan vaqtda, biror muddat bilan cheklanmagan holda murojaat etish mumkin.

**Sanjar AMIROV, Zomin tumani yuridik xizmat markazi bosh yurist konsulti.**

**SAVOL:** Internetdan onlayn tarzda telefon sotib oldim. Saytning reklamasi ko'rsatilgan ma'lumotlar bilan uni etkazib berishganida ma'lumotlarga to'g'ri kelmas ekan. Bu holatda nima qilish mumkin?

**JAVOB:** Agar tovar (ish, xizmat) haqida noto'g'ri yoki yetarli darajada to'liq bo'lmagan ma'lumot berilganligi, zarur iste'mol xos-salariga ega bo'lmagan tovar (ish, xizmat) sotib olinishiga sabab bo'lsa, iste'molchi shartnomani bekor qilishga va o'ziga yetkazil-

gan zararining qoplanishini talab qilishga haqlidir.

Noto'g'ri reklama oqibatida sotib olingan tovar (ish, xizmat) tufayli iste'molchiga etkazilgan zarar ishlab chiqaruvchi (ijrochi, sotuvchi) tomonidan to'liq hajmda qoplanishi lozim.

**Saidraxmon UMURZAKOV, Zomin tumani adliya bo'limi bosh maslahatchisi.**

**SAVOL:** Mahsulotni olganligimiz to'g'risida chek bor, ammo kafolat muddati talonda belgilanmagan. Do'kon egasi 10 kun ichida kel-sangiz almashtirib beraman degan edi. Bu holat qonun bilan tartibga solinganmi?

**JAVOB:** Nuqsonli tovar sotilganda iste'molchi, agar bu hol shartnoma tuzish paytida aytib o'tilmagan bo'lsa, almashtirib berishni talab qilishga haqli. Kafolat muddati va yaroqlilik muddati belgilanmagan tovarlar bo'yicha 6 oy mobaynida amalga oshirilishi mumkin.

**Sanjar AMIROV, Zomin tumani yuridik xizmat markazi bosh yurist konsulti.**

**SAVOL:** Qanday holda nikohdan ajratish masalalari sud tartibida ko'rib chiqiladi?

**JAVOB:** Er-xotin o'rtasida mehnatga layoqatsiz muhtoj er yoki xotinga moddiy ta'minot berish to'g'risida nizo mavjud bo'lganda; - er-xotin o'rtasida umumiy mol-mulkni bo'lish to'g'risida nizo mavjud bo'lganda;

- er-xotin o'rtasida bolalar to'g'risida nizo mavjud bo'lganda;

- agar er-xotindan biri nikohdan ajratish to'g'risida ariza berishdan bosh tortsa yoki FHDYo organiga ariza berish uchun shaxsan kelish imkoniyatiga ega bo'lmasa yoxud ariza berib, nikohdan ajratishni qayd etish uchun hozir bo'lmagan taqdirda;

- spirtli ichimliklar, narkotik vositalar yoki psixotrop moddalarni suiiste'mol qilishi oqibatida muomala layoqati cheklangan shaxs-lar bilan nikohdan ajratish to'g'risida nizo mavjud bo'lganda.

**Saidraxmon UMURZAKOV, Zomin tumani adliya bo'limi bosh maslahatchisi.**

## Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлланган Мурожаатнома сермазмун фикр ҳамда мулоҳазаларга бой бўлди.

КОРРУПЦИЯНИ  
БАРТАРАФ ЭТИШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Мурожаатнома давомида Президентимиз коррупция масаласига алоҳида тўхталиб ўтди ва «Халқимиз биздан коррупцияни йўқ қилишни кутмоқда», дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, коррупция давлат тузумини ичидан емирадиган, ижтимоий барқарорлик кушандасидир. Бунда коррупция ва бюрократиянинг ҳар қандай кўриниши, маҳаллийчилик ва гуруҳбозлик иллатларига қарши кескин курашиш зарур.

Албатта, бугун биронта соҳада коррупция йўқ, деб айта олмаимиз. Баъзи ташкилот ва идоралар «бизда коррупция йўқ, унга барҳам бердик» дейишади. Аслида бундай эмас. Афсуски, оддий фуқародан сўрасангиз, «коррупция йўқ жойнинг ўзи кам», дейди.

Таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашининг энг асосий йўли давлат органлари фаолияти ва иш жараёнлари шаффофлигини ошириш, ишга қабул қилиш, давлат харидлари, ружсатнома ва лицензиялар бериш каби жараёнларда очиқ-ошкораликни таъминлашдир. Албатта, буларни амалга ошириш осон бўлмайди. Лекин ўтган олти йил давомида бу борада катта тажриба тўпланди. Ушбу иллатга барҳам беришда энг самарали восита иллат-

нинг ўзи билан эмас, балки сабаби билан курашиш эканини кўрсатди.

Коррупциянинг олдини олишда комплекс ёндашув зарур, сабаби, бусиз ушбу иллатни енгиб бўлмайди. Дуч келган битта соҳани танлаб, курашадиган бўлсак, коррупция занжирини асло узиб бўлмайди.

Шу боис, Мурожаатномада давлатимиз раҳбари Парламент аъзолари ва маҳаллий Кенгашлар депутатларини ҳам бонг уриб, аниқ соҳаларни таҳлил қилиб, коррупцияни бартараф этиш бўйича фаол бўлишга қақирди, бунинг учун уларда етарли ваколат ҳам, шижоат ҳам борлигини таъкидлади.

Шунингдек, Президентимиз сунъий монополия, ёпиқ схемалар, умуман, коррупцияга имкон берувчи барча бўшлиқларга барҳам берилиши лозимлигини эътироф этди. Сабаби, ушбу иллатлар жамиятда адолатсизлик, тенгсизлик ва аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида ислохотларнинг натижасига салбий таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, фуқароларимизда ушбу иллатга қарши курашишда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги жамиятда адолат мезонининг бузилишини кўпайтиради. Шу-

нингдек, «Жамиятда порахўрлик иллатини енгиб бўлмайди», деган фикрни ёшлар онгида шаклланиб қолгани катта камчилигимиздир.

Бу борада силжиш қилинмаса, ушбу иллат ортимиздан соядек эргашиб юраверади. Токи, оила, боғча, мактабда ўғил-қизларимиз онги-га тамагирлик, порахўрлик ёмон иллатгина эмас, балки у жамият таназзули эканлиги ҳақида кўпроқ тарбиявий ва тарғибот ишларини олиб бормас эканмиз, мақсадга эриша олишимиз қийин кечади.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, мутахассисларни жалб қилиб, жамиятимизнинг барча аъзолари «ҳалоллик вакцинаси» билан элланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаимиз.

Хулоса қилиб айтганда, Мурожаатномада таъкидлаб ўтилган коррупциядек иллатга барҳам беришга қарши кураш мамлакатимизнинг яқин ва узоқ йиллар учун белгилаб олинган Тараққиёт стратегиясини тўлиқ амалга оширишга хизмат қилади.

**Ойбек ЙЎЛДОШЕВ, туман адлия бўлими бошлиғи.**

**Таниқли ўзбек шоираси Зулфия 1915 йил 1 мартда Тошкент шаҳрида Исроил темирчи оиласида туғилган. 1922 йилдан 1931 йилгача мактабда, сўнг 1931 – 1934 йиллар орасида қизлар билим юртида таҳсил олди. Меҳнат фаолиятини жуда эрта бошлаган шоира де-ярли бир умр журналистика ва нашриёт соҳасида ишлади. Унинг илк шеъри 1931 йилда “Ишчи” газетасида босилган. Дастлаб 1932 йил “Ҳаёт варақалари” шеърлар тўплами нашр этилган. Шундан кейин унинг “Темирой” (1934), “Шеърлар”, “Қизлар кўшиғи” (1939) шеърый китоблари эълон қилинган.**

“ЗУЛФИЯ ИЖОДИДА АЁЛ  
СИЙМОСИ ВА МАТОНАТ”

Зулфия ижодида аёл образи – бу шунчаки лирик қаҳрамон эмас, балки маънавий куч, сабр ва садоқат тимсолидир. Шоира ўз шеърларида ўзбек аёлининг нафис қалби билан бирга, унинг ички қудрати ва матонатини ҳам юксак бадий муҳаббат билан тасвирлайди.

**Аёл – муҳаббат ва са-доқат тимсоли**

Зулфия шеърларида аёл, аввало, меҳр-муҳаббат манбаи сифатида намоён бўлади. Унинг лирик қаҳрамони севади, кутади, соғинади, аммо бу туйғулар уни заифлаштирамайди. Аксинча, муҳаббат аёл қалбини янада кучли, бардошли қилади. Шоира аёл қалбидаги нозик кечинмалар-

ни чуқур хис этиб, уларни самимий ва ҳаётий тасвирлайди.

**Матонат ва сабр – аёлнинг ички қудрати**

Зулфия асарларида аёл образи турли синовлар қаршида ҳам букилмайди-ган сиймо сифатида гавдаланади. Ҳаётдаги оғир йўқотишлар, айрилиқ ва изтироблар унинг руҳини синдира олмайди. Шоира ўз ҳаётидаги оғир синовларни ҳам сабр билан енгган. Хусусан, умр йўлдоши Ҳамид Олимжон вафотидан кейинги даврда ёзган шеърларида аёл қалбидаги оғрик билан бирга, ирода ва бардош кучли ифодаланади. Бу эса аёлнинг ички матонатини янада ёрқинроқ кўрсатади.

**Аёл – жамият таянчи**

Зулфия назарида аёл нафақат оила, балки жамиятнинг ҳам таянчидир. У фарзанд тарбиясида, Ватанга муҳаббатда, маънавиятни асрашда муҳим ўрин тутди. Шоира аёлни пассив эмас, балки фаол, онгли ва масъулиятли шахс сифатида тасвирлайди.

**Бадий юксаклик ва руҳий теранлик**

Зулфия аёл сиймосини тасвирлашда нафис ташбеҳ ва тимсоллардан фойдаланади. Баҳор, гул, қуёш образлари орқали аёл қалбининг гўзаллиги ифодаланса, тоғ, шамол, денгиз каби образлар орқали унинг матонати ва мустаҳкамлиги кўрсатилади.

Хулоса қилиб айтганда, Зулфия ижодида аёл сиймоси – бу сабрли, вафодор, кучли ва маънавий етук инсон образидир. Шоира аёлнинг нафақат гўзаллигини, балки унинг ички қудратини улуғлайди. Шу боис унинг шеърлари бугунги кунда ҳам аёлларни руҳлантиради, уларга ўз қадрини англашга ва ҳар қандай синов олдида матонатли бўлишга ундайди.

**Дурдона НОРҚОЗОҚОВА, Тошкент давлат тиббиёт университети тиббий педагогика ва даволаш факультети 1-босқич талабаси.**

FORISH  
TONGI

## МУАССИЛАР:

Xalq deputatlari Forish tuman Kengashi va tuman hokimligi

Manzilimiz: Bog'don shaharchasi, Sh.Rashidov ko'chasi 3-uy

## Bosh muharrir Rashid KARIMOV

“Forish tongi” materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi  
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar muallifga qaytarilmaydi va javob yozilmaydi.

Gazetaning ro'yxatdan o'tish tartibi: 06-011  
ISSN 2010-8451

Gazeta sotuvda kelishilgan narxda

Telefon: (91) 591-47-10

Gazeta 915 nusxada bosildi

Qog'oz bichimi A3

Gazeta tahririyatning o'zida terildi va kompyuter operatori Gulmira ISMOILOVA tomonidan sahifalandi.

Chop etish uchun mas'ul  
Baxrulla SAYPULOV

Gazeta “Rastr plyus Print” mas'uliyati cheklangan jamiyatida bosildi  
Korxonalar manzili: Jizzax shahri Sayiljoyi ko'chasi 4-uy.  
Bosishga topshirish vaqti 18:00  
Topshirildi 18:00 Buyurtma